



№3

MOLIYAVIY TEXNOLOGIYALAR

ILMIY ELEKTRON JURNALI



ISSN: 2181-3965
VOLUME 5
TOSHKENT 2026

“MOLIYAVIY TEXNOLOGIYALAR” ILMIY ELEKTRON JURNALI TAHRIRIYAT KENGASHI RAISI

To‘lqin Zakirovich Teshabayev – tahririyat kengashi raisi. Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti rektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

TAHRIRIYAT KENGASHI

Mehmonov Sultonali Umaraliyevich – Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, O‘quv ishlari bo‘yicha birinchi prorektor, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Abdurahmanova Gulnora Qalandarovna - Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo‘yicha prorektor, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Karimova Komila Daniyarovna - Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Yoshlar masalalari va ma‘naviy-marifiy ishlar bo‘yicha birinchi prorektor, iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent

Xudoyqulov Sadirdin Karimovich - Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Hududiy ta‘lim masalalari va markazlar bo‘yicha prorektor, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Sindarov Sherzod Egamberdiyevich – Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Infratuzilmalarni rivojlantirish va iqtisod ishlari bo‘yicha prorektor, iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent

Saparov Aktam Jo‘rayevich – bosh muharrir, filologiya fanlari doktori

Islamkulov Alimnazar Xudjamuratovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Pardayev Abdunabi Xoliqovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Kuziyev Islomjon Ne‘matovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Baymurotov Tursunbay Maxkambayevich – iqtisodiyot fanlari nomzodi, professor

Omonov Akrom Abdinazarovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Sharipov Qongratbay Avezimbetovich – texnika fanlari doktori, professor, O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta‘lim, fan va innovatsiyalar vaziri

Jumayev Nodir Xosiyatovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor, O‘zbekiston Respublikasi Oliy Kengashi deputati

Haydarov Nizomiddin Hamroyevich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Raviprakash G. Dani – Xalqaro ta‘lim konsultanti, professor (AQSH)

Bagautdinova Nailya Gumerovna – Qozon federal universiteti Boshqaruv, iqtisodiyot va moliya instituti direktori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Rossiya Federatsiyasi)

Sharifzoda Mu‘min Mashokir – Tojik davlat huquq, biznes va siyosat instituti rektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Tojikiston Respublikasi)

Maley Elena Borisovna – Polotsk davlat universiteti rektori, iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent (Belarus Respublikasi)

Asif Mahbub Karim – Malayziya Menejment va tadbirkorlik universiteti professori (Malayziya qirolligi)





Piter Xayk – Yevropa amaliy fanlar va menejment instituti ilmiy ishlar bo‘yicha prorektori (Chexiya Respublikasi)

Yavuz Demirel – Kastamonu universiteti professori (Turkiya Respublikasi)

Jo‘rayev Abdug‘affor Safarovich – Termez agrotexnologiyalar va Innovatsion rivojlanish instituti rektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Ismanov Ibroxim Nabiyeovich – Farg‘ona politexnika instituti kafedra mudiri, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Xayriddinov Azamat Botirovich – Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti prorektori iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent

Tashnazarov Samiddin Nizamovich – Samarqand iqtisodiyot va servis instituti kafedra mudiri, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Nurmanov Ulug‘bek Anorbayevich - Bank-moliya akademiyasi “Buxgalteriya hisobi va audit” kafedrasida professori, iqtisodiyot fanlari doktori

Yakubova Nargiz Tursunbayevna – iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

Mamatov Baxadir Safaraliyevich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Qiyosov Sherzod Uralovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Urazaliyev Kamoliddin Tajikulovich – iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent

JURNAL TAHRIRIYATI

Saparov Aktam Jo‘rayevich – bosh muharrir, filologiya fanlari doktori, dotsent

Avlokulov Anvar Ziyadullayevich – ilmiy muharrir, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Aliqulov Mehmonali Salohiddin o‘g‘li – mas‘ul muharrir, iqtisodiyot fanlari doktori (DSc), dotsent

Buxorova Moxira Samandarovna – muharrir

O‘zbekiston Respublikasi OAK Rayosatining 2023-yil 3-iyundagi 364-son qarori bilan “Moliyaviy texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) va fan doktori (DSc) ilmiy darajasiga talabgorlarning dissertatsiyalari yuzasidan assosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan.

“Moliyaviy texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali

23.11.2022-yildan

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan №R-566966 reyestr raqami tartibi bo‘yicha ro‘yxatdan o‘tkazilgan.

Litsenziya raqami: №049864




MUNDARIJA

| | | | |
|-----|--|---|-----|
| 1. | Шаисламова Наргиза Кабиловна | Тижорат банклари рискларини баҳолашда стресс-тест усулидан самарали фойдаланиш | 7 |
| 2. | Ashurova Nargiza Chori qizi | O‘zbekiston turizm xizmatlari bozorida gastronomik turizmni rivojlantirishning asosiy yo‘nalishlari | 19 |
| 3. | Mamatqulov Avazbek Axmadaliyevich | Oliy ta‘lim muassasalarida ichki audit tizimini raqamlashtirish mexanizimini takomillashtirish | 24 |
| 4. | Sobirov Otabek Olimjonovich | Boshqaruv hisobini tashkil etishning konseptual asoslari | 36 |
| 5. | Rustamov Maqsud Suvonqulovich, Boqiyeva Zuhra Soxibjon qizi | Iqlim o‘zgarishining iqtisodiyotga ta’siri | 41 |
| 6. | Xalimov Shaxboz Xalimovich | Qishloq joylarida turizm xizmatlarini rivojlantirishning xorij tajribalari | 48 |
| 7. | Kenjayev Ikrom Ergashboyevich | Hududlarda investitsiya mexanizmlarini takomillashtirishning institutsional va moliyaviy omillari | 53 |
| 8. | Rustamov Maqsud Suvonqulovich, Normatov Muslimbek No‘rbo‘ta o‘g‘li | Kredit riski | 60 |
| 9. | Курбонов Саид Акбарович | АҚШ федерал резерв тизими (ФРТ) ва унинг иктисодиётга таъсири | 67 |
| 10. | Bekmurodova Feruza Azamat kizi, Kadambaeva Charos Masharip kizi | Economic cooperation practices and development trends in Middle Eastern countries | 73 |
| 11. | Mardonova Malika Asatilloevna | Xavfsiz turizm tushunchasining nazariy-uslubiy asoslari | 80 |
| 12. | Alimov Baxodir Batirovich | Rivojlangan sug‘urta kompaniyalarining moliyaviy holati va samaradorlik ko‘rsatkichlari tahlili | 85 |
| 13. | Narziyev Abror Baxtiyorovich | Moliyaviy bozorlardagi volatillik dinamikasining GARCH modellari asosida empirik tahlili | 95 |
| 14. | Xoldorova Kamola Jamoliddin qizi, Murodova Dilnoza Choriyevna | O‘zbekistonda tijorat banklarini transformatsiya qilishning dolzarb masalalari | 106 |
| 15. | Юсупов Бехзод Юсуп угли | Финтех-ориентированная модель комплексной оценки кредитоспособности корпоративных клиентов и её влияние на эффективность банковских решений | 112 |
| 16. | Ташбаева Рано Гайбуллаевна, Ташбаев Улугбек Ванситович | Цифровая оценка конкурентоспособности предприятий HoReCa на основе Open Data и онлайн-платформ (на примере г. Ташкента) | 120 |
| 17. | Баракаев Отабек Отакулович | Ўзбекистонда аудиторлик хизматлар бозорининг 2020-2025 йилларга тахлили ва уни такомиллаштириш йўналишлари | 127 |
| 18. | Muradov Botir Hayat | Yevropa iqtisodiyotining yashil transformatsiyasida iqlim o‘zgarishi bilan bog‘liq fizik va moliyaviy risklar tahlili | 140 |
| 19. | Isroiljonov Murodil Qosimjon ugli | Household Consumption, Imports, and Gross Capital Formation in Uzbekistan: Evidence from an ARDL Model | 148 |
| 20. | Чориева Нигина Қахрамановна | Классик иктисолий назариялар асосида тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш хусусиятлари | 155 |





| | | | |
|-----|--|--|-----|
| 21. | Chintemirova Diyora Shuxrat qizi | Hududlar kesimida kichik biznes va xususiy tadbirkorlik faoliyatining rivojlanish tendensiyalari | 160 |
| 22. | Artikov Ne'matulla Abdusalamovich | Soliqli daromadlar oshishida sheringning iqtisodiy imkoniyatlari | 166 |
| 23. | Кузиева Динора Баходировна | Узоқ муддатли активларни баҳолаш тартибини такомиллаштириш | 173 |
| 24. | Умарова Гулзодахон Қодирбековна | Кичик бизнесни муқобил молиялаштиришнинг илғор хорижий тажрибалари | 181 |
| 25. | Murtozayeva Zarnigor Komol qizi | Tashabbusli budget mablag'larini ijtimoiy ehtiyojlar asosida manzilli taqsimlash mexanizmlarini takomillashtirish | 187 |
| 26. | Baytanov O'ralboy Miraqul o'g'li | Sanoat korxonalarida mahsulot sifatini boshqarishning zamonaviy metodologik yondashuvlari | 193 |
| 27. | Mardonov Akromjon Nusrat ogli | The impact of fiscal policy on the national economy | 201 |
| 28. | Ostonaqulov Dilshod Ismatilla o'g'li | O'zbekiston respublikasining aholi hayot sifati va iqtisodiy o'sish o'rtasidagi bog'liqlikni statistik baholash | 206 |
| 29. | Babaxanova Nozima Saidakbarovna | Milliy fond bozorida aksiyalarni ommaviy joylashtirish mexanizmlarini transformatsiya qilish yo'llari | 213 |
| 30. | Tilabov Nasrulla Tashmurotovich | O'zbekistonda davlat qarz portfelini risk-diyagnostika asosida boshqarish metodologiyasini takomillashtirish | 220 |
| 31. | Rahmonova Durdona Hasan kizi | Effective management of investment opportunities and regional economic diversification: evidence from the kashkadarya region | 226 |
| 32. | Xamdamov Omonullo Ne'matullayevich | Kapital bozorida moliyaviy resurslar jalb qilishning xalqaro amaliyot tajribalari | 233 |
| 33. | Achilov Dilshod Marufovich | Innovatsion faoliyatning moliyaviy ta'minot manbalari va ularni samarali boshqarish yo'llari | 244 |
| 34. | Baratova Zumrat Xalmetjanovna | Innovatsion faoliyat bilan bog'liq moliyaviy risklarni boshqarish | 253 |
| 35. | Mavlyanova Yulduzxon Turg'unovna | Moliyaviy resurslarni samarali boshqarishda ERP (Enterprise Resource Planning) mexanizmidan foydalanish istiqbollari | 261 |
| 36. | Ishniyazov Otabek Baxodirovich | Bank faoliyatida risklarning turlari, ularni samarali boshqarish | 268 |
| 37. | Baxriddinov Kamoliddin Baxriddin o'g'li | Aksiyadorlik jamiyatlarida investitsiyaviy qaror qabul qilish amaliyotining tahlili | 275 |
| 38. | Qudratova Feruza Nasriddinovna | Financing decisions and value creation in an emerging economy: Evidence from the capital structure of Uzauto Motors | 283 |
| 39. | Xasanov Komil Mutalibjanovich | Chiqindilarni boshqarishda yevropa ittifoqi tajribasi va uni o'zbekiston sharoitida qo'llash | 591 |
| 40. | Orzukulova Zumrad Abdukhalik kizi, Azimova Nozimakhon Alisher kizi | Strategic brand management: review of keller's brand equity model and Aaker's brand identity system | 297 |
| 41. | Ollokulova Feruza Mansurovna | Davlat xususiy sheriklik rivojlanishining xorij tajribasi va undan O'zbekiston amaliyotida foydalanish imkoniyatlari | 302 |
| 42. | Umurzakova Dildora Sultonmaxmudovna | Raqamli iqtisodiyot sharoitida ayollar bandligiga doir muammolarning asosiy yo'nalishlari | 310 |
| 43. | Jo'rayeva Zarifa Bahodir qizi | Tijorat banklarida kredit xizmatlari amaliyotining dolzarb masalalari | 317 |





| | | | |
|-----|---|---|-----|
| 44. | Tureev Azizbek Abatovich | Qoraqalpog‘iston Respublikasida mevachilik tarmog‘ini klasterlashning iqtisodiy samaradorligini baholash | 324 |
| 45. | Mirzataev Muratbaevich | Salamat Ekologik muammolar sharoitida qishloq xo‘jaligi barqarorligini ta‘minlashda smart texnologiyalardan foydalanishning ilmiy-uslubiy asoslari | 329 |
| 46. | Komekova Gulzira Sharbaevna | Raqamlashtirilgan logistika tizimlari asosida sabzavotchilik mahsulotlari bozorining samaradorligini oshirish yo‘llari | 335 |
| 47. | Qidirmiyazov Sherniyazovich | Ajiniyaz Qoraqalpog‘iston Respublikasida qurilish sohasining rivojlanish holati va sun‘iy intelkt asosida xizmat kursatishni rivojlantirish istiqbollari | 340 |
| 48. | Розиков Жалил Жалолович | Вопросы реформирование бухгалтерского учета в сельском хозяйстве | 346 |
| 49. | Karimov Gapardjonovich | Eminjon Sanoat korxonalarida moliyaviy tahlil axborot tizimini takomillashtirish masalalari | 351 |
| 50. | Toshev Nurbek Janon o‘g‘li | Qashqadaryo viloyatida turizm samaradorligi indeksi (TEI) asosida mintaqaviy turizm rivojlanishi dinamikasini baholash | 359 |
| 51. | Kurbonova Malika Akhmad kizi | Comprehensive methodology for assessing the effectiveness of digital economy technology implementation in regional economic development | 365 |
| 52. | Isakova Naima Ikromjonovna | Xizmat ko‘rsatish korxonalarida turizmni rivojlantirish uchun strategik marketing dasturini ishlab chiqish va uni takomillashtirish yo‘llari | 371 |
| 53. | Sultanova Nigora Xikmatxo‘ja qizi | Xarajatlar hisobida ABC va BSC tizimlari integrativ tahlili | 377 |
| 54. | Muminova Parvina Ilhom qizi | Bank majburiyatlari hisobi va ichki auditini takomillashtirish | 383 |
| 55. | Abduraxmonova Alimov Baxodirovich | Munisa, Ulug‘bek Raqamli iqtisodiyot sharoitida xizmat ko‘rsatish korxonalarida biznesni rivojlantirish tamoyillari va bosqichlari | 389 |
| 56. | Axmedov Shoymurod Azamat o‘g‘li | Tijorat banklarida investitsiya loyihalarini moliyalashtirish samaradorligini takomillashtirish yo‘llari | 395 |
| 57. | Xamdamov Komilovich | Shavkat Aholini ijtimoiy himoyalash moliyaviy mexanizmi samaradorligini baholashning nazariy-metodologik asoslari | 402 |
| 58. | Ruziyev G‘anisher Usarovich | Soliqlar vositasida tadbirkorlikni rivojlantirish va bandlikni ta‘minlash orqali daromadlarni oshirish hamda kambag‘allikni qisqartirish masalalari | 411 |
| 59. | Atamuratova Muzafarovna | Gulrux Kichik biznes tizimlarining iqtisodiy mohiyati va ularni modellashtirish bo‘yicha zamonaviy xorij tajribasi | 419 |
| 60. | Mirzayeva Charos G‘ayrat qizi | Savdo va xorijiy investitsiyalarning iqtisodiy o‘shisdagi o‘rni: Janubiy Koreya va O‘zbekiston misolida qiyosiy ekonometrik tahlil | 424 |
| 61. | Toshpulatov Akromovich | Davron Islom moliyasida risklarni boshqarish | 437 |
| 62. | Amir Xudaykulov | Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga muvofiq EBITda indikatorini hisobga olishning o‘ziga xos xususiyatlari | 451 |





УЗОҚ МУДДАТЛИ АКТИВЛАРНИ БАҲОЛАШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Кузиева Динора Баходировна

*“Аудит” кафедраси доценти, PhD
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
E-mail: kuzievadinora4@gmail.com
ORCID: 0009-0005-5059-4948*

Аннотация. Мазкур мақолада узоқ муддатли активларни баҳолашнинг назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ этилган ҳамда уларни такомиллаштиришнинг муҳим йўналишлари ёритиб берилган. Тадқиқотда узоқ муддатли активларни баҳолашда қўлланиладиган бошланғич қиймат, ҳаққоний қиймат, қайта тиклаш қиймати, дисконтланган қиймат ва бошқа баҳолаш турларининг иқтисодий мазмуни таҳлил қилинган. Шунингдек, баҳолаш жараёнида қўлланиладиган ишончлилик, эҳтиёткорлик, мувофиқлик, холислик ва мазмуннинг шаклдан устунлиги каби тамойилларнинг аҳамияти илмий асосланган. Мақолада Ўзбекистон миллий амалиёти ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) асосидаги хорижий тажриба ўртасида қиёсий таҳлил ўтказилган. Тадқиқот натижаларига кўра, миллий баҳолаш тизимини такомиллаштиришда МҲХС талабларини жорий этиш, рақамли баҳолаш платформаларидан фойдаланиш, мустақил баҳоловчилар институтини ривожлантириш ҳамда интеграл баҳолаш моделларини амалиётга татбиқ қилиш муҳим аҳамият касб этиши асослаб берилган. Мақолада келтирилган таклиф ва тавсиялар узоқ муддатли активларнинг ҳаққоний қийматини аниқлаш, молиявий ҳисоботлар ишончлигини ошириш ва инвестицион жозибadorликни кучайтиришга хизмат қилади.

Калит сўзлар: узоқ муддатли активлар, активларни баҳолаш, дисконтланган пул оқимлари, қайта баҳолаш, бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисобот, инвестицион жозибadorлик, интеграл баҳолаш модели, рақамли баҳолаш платформаси, ҳаққоний қиймат, амортизация, кадрсизланиш.

УЛУЧШЕНИЕ ПРОЦЕДУРЫ ОЦЕНКИ ДОЛГОСРОЧНЫХ АКТИВОВ

Кузиева Динора Баходировна

*PhD, доцент кафедры “Аудит”
Ташкентский государственный
экономический университет
E-mail: kuzievadinora4@gmail.com
ORCID: 0009-0005-5059-4948*

Аннотация. В данной статье рассматриваются теоретические и практические аспекты оценки долгосрочных активов и выделяются приоритетные направления их совершенствования. Анализируется экономическое содержание первоначальной стоимости, справедливой стоимости, стоимости замещения, дисконтированной стоимости и других видов оценки, используемых при оценке долгосрочных активов. Также научно обосновывается важность таких принципов, как надежность, осмотрительность, релевантность, объективность и приоритетность содержания, используемого в процессе оценки. Проводится сравнительный анализ национальной практики Узбекистана и зарубежного опыта на основе Международных стандартов финансовой отчетности (МСФО). По результатам исследования обосновывается важность внедрения требований МСФО, использования цифровых оценочных платформ, развития института независимых оценщиков и практического применения





интегрированных моделей оценки для совершенствования национальной системы оценки. Представленные в статье предложения и рекомендации способствуют определению истинной стоимости долгосрочных активов, повышению достоверности финансовой отчетности и увеличению инвестиционной привлекательности.

Ключевые слова: долгосрочные активы, оценка активов, дисконтированные денежные потоки, переоценка, бухгалтерский учет, финансовая отчетность, инвестиционная привлекательность, интегрированная модель оценки, цифровая платформа оценки, справедливая стоимость, амортизация, обесценение.

IMPROVEMENT OF PROCEDURE FOR APPRAISAL OF NON CURRENT ASSETS

Kuzieva Dinora Bakhodirovna

PhD, Associate Professor of the Department of Audit

Tashkent State University of Economics

E-mail: kuzieva dinora4@gmail.com

ORCID: 0009-0005-5059-4948

Abstract. *This article examines the theoretical and practical aspects of long-lived asset valuation and identifies priority areas for improvement. It analyzes the economics of historical cost, fair value, replacement cost, present value, and other valuation methods used in long-lived asset valuation. It also provides a scientific justification for the importance of principles such as reliability, prudence, relevance, objectivity, and the priority of content used in the valuation process. A comparative analysis of national practices in Uzbekistan and international experience is provided based on International Financial Reporting Standards (IFRS). The study substantiates the importance of implementing IFRS requirements, using digital valuation platforms, developing the institution of independent appraisers, and the practical application of integrated valuation models to improve the national valuation system. The proposals and recommendations presented in the article contribute to determining the true value of long-lived assets, improving the reliability of financial reporting, and enhancing their investment attractiveness.*

Keywords: *Long-term assets, asset valuation, discounted cash flows, revaluation, accounting, financial reporting, investment attractiveness, integrated valuation model, digital valuation platform, fair value, depreciation, impairment.*

Кириш

Ҳозирги глобал иқтисодий шароитда корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш, инвестицион жозибadorликни кучайтириш ҳамда молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини таъминлашда узоқ муддатли активларни тўғри баҳолаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХС) ўтиш жараёнида активларнинг ҳаққоний қийматини аниқлаш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. Узоқ муддатли активларни нотўғри баҳолаш молиявий ҳисоботларнинг ишончсизлиги, инвестиция қарорларининг нотўғри қабул қилиниши, корхона қийматининг сунъий равишда оширилиши ёки камайтирилиши, солиқ базасининг нотўғри шаклланиши каби салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, узоқ муддатли активларни баҳолаш тартибини такомиллаштириш, унинг назарий ва амалий жиҳатларини чуқур тадқиқ этиш муҳим илмий вазифа ҳисобланади.

Узоқ муддатли активларни баҳолаш иқтисодий фанларда муҳим илмий йўналишлардан бири бўлиб, у корхонанинг молиявий ҳолатини ҳаққоний акс эттириш, инвестиция қарорларини қабул қилиш ва активлардан самарали фойдаланишни таъминлашда асосий омил сифатида намоён бўлади. Баҳолаш жараёни активларнинг қийматини пул ифодасида аниқлаш орқали уларнинг иқтисодий мазмунини очиб беришга хизмат қилади.





Адабиётлар шарҳи

Узоқ муддатли активларни баҳолаш жараёнида натижаларнинг ишончилиги, ҳолислиги ва иқтисодий мазмунга мослигини таъминлаш учун маълум назарий тамойилларга амал қилиш зарур. Ушбу тамойиллар бухгалтерия ҳисоби, молиявий таҳлил ва халқаро ҳисоб стандартларининг методологик асосини ташкил этади. Баҳолаш тамойиллари активларнинг қийматини шакллантиришда йўналтирувчи қоида сифатида хизмат қилади ва қарор қабул қилиш жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Узоқ муддатли активларни баҳолаш жараёнида қўлланиладиган тамойиллар бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг сифатини белгилаб берувчи фундаментал қоидалар мажмуасидир. Ушбу тамойилларга риоя қилиш активларнинг ҳаққоний қийматини шакллантириш, молиявий натижаларни аниқ ифодалаш ва манфаатдор томонлар учун ишончли ахборот тақдим этиш имконини беради. Тамойиллар нафақат назарий аҳамиятга эга, балки амалиётда аниқ иқтисодий қарорлар қабул қилишда ҳам ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Ишончилик тамойилига кўра, активларни баҳолаш натижалари объектив, текшириш мумкин ва ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши шарт. Ишончилик ахборот сифатининг асосий мезони бўлиб, молиявий ҳисоботда акс эттирилган қийматлар реал иқтисодий жараёнларни ифода этиши лозим. Агар актив қиймати субъектив баҳолашга асосланса, бу инвестицион қарорларнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Россиялик бухгалтерия назарияси иқтисодчи олимларидан бири А.В. Челпановнинг фикрига кўра, активларни баҳолашда ишончилик тамойили — “молиявий ҳисоботнинг асосий мезони ва унинг инвестицион аҳамиятини таъминлайди. Ишончли қийматларсиз, қарор қабул қилишда хатоликлар юзага келади” [1]. Унинг таъкидлашича, агар бухгалтерия маълумотларида ишончли қийматлар бўлмаса, барча иқтисодий қарорларда бузғунчилик юзага келади. Масалан, молиявий ҳисоботлар «компаниянинг молиявий ҳолатини ва фаолияти натижаларини ишончли равишда акс эттириши» сармоя юклашга оид қарорларни ҳам тўғри қабул қилинишига олиб келади. Б.Ю. Хасанов фикрига кўра, бухгалтерия ҳисобида ишончилик тамойили молиявий ҳисоботнинг асосий сифат кўрсаткичи ҳисобланади. Олимнинг таъкидлашича, активларни баҳолаш жараёнида маълумотларнинг ҳужжатлар билан тасдиқланганлиги ва текшириш имконияти молиявий ахборотнинг ҳаққонийлигини таъминлайди [2]. Олим шунингдек, халқаро стандартларга ўтиш жараёнида активларни ҳаққоний қийматда баҳолаш аҳамияти ортиб бораётганини таъкидлайди. Бу эса ишончли бозор маълумотларидан фойдаланиш зарурлигини кўрсатади. Экспертлар таърифича, ишончилик принципи бухгалтерия маълумотларининг аниқлик ва ҳолислик асосида тақдим этилишини таъминлайди. Масалан, аудитор терминологиясида «бухгалтер ҳисоботининг ишончилиги» – маълумотларнинг бундай даражасики, унга таяниб масъул фойдаланувчи тўғри хулосалар чиқариши ва қарорлар қабул қилиши мумкин бўлади.

Эҳтиёткорлик тамойилга мувофиқ эса, активлар ортиқча баҳоланмаслиги ва эҳтимолий йўқотишлар олдиндан ҳисобга олиниши лозим. Эҳтиёткорлик ноаниқлик шароитида қарор қабул қилишда рискларни минималлаштиришга хизмат қилади. Бу тамойил “potential losses are recognized, gains are not anticipated” концепциясига асосланади, яъни ташкилотнинг молиявий ҳолати ва унинг иқтисодий натижаларини ишончли ва консерватив кўрсатиш мақсадида, ҳозирда маълум ёки юқори эҳтимолли йўқотишлар молиявий ҳисоботда дарҳол тан олинади, холос. Шу билан бирга, эҳтимолий ёки келажакдаги фойдалар бухгалтерияда олдиндан эълон қилинмайди ва ҳисобга олинмайди. Шунингдек, Р.Д. Дусмуратов эҳтиёткорлик тамойилини рискларни бошқариш механизми сифатида баҳолайди ва унинг айниқса инфляция шароитида муҳим аҳамият касб этишини қайд этади [3]. Америкалик олим А.А.Бернстайннинг таъкидлашича: “Консерватизмнинг шarti асосий воситаларнинг қийматини доимо камайтиришни ёки асосий воситаларни ҳисобдан чиқаришда кўриладиган зарар бухгалтерия ҳисобида бевосита ҳисобдан чиқариш билан кўрсатилишини талаб этади. Бу фақат қиймат ва фойдалиликнинг камайишини





кўрсатиш учунгина эмас, балки келажакдаги даврларда активларни фойдалилик ва унумлилик шароитида ушлаб тура олишига қодир бўлмай қолган харажатлардан халос этиш учун ҳам зарур”[4].

Давомийлик тамойилга кўра, корхона ўз фаолиятини келгусида ҳам давом эттиради деб ҳисобланади. Ушбу тамойил активларни баҳолашда асосий гипотеза ҳисобланади. Агар корхона узлуксиз фаолият юритса, активлар уларнинг фойдали хизмат муддати асосида баҳоланади. Буюк Британиялик, корпоратив молия йўналишида илмий изланишлар олиб борган П. Мингнинг фикри: “Агар корхона фаолияти давом эттирилади, деб ҳисобланмаса, активларнинг баҳоси ликвидация қийматида баҳоланади. Шу билан узоқ муддатли активларнинг ҳисобдаги қиймати ва даромадлар билан мувофиқлиги таъминланади”[5]. Активлар қиймати фойдали хизмат муддати асосида аниқланади, бу ўз навбатида молиявий ахборотнинг прогнозли фойдаланиш имкониятини таъминлайди.

Мувофиқлик тамойилга кўра, харажатлар улар билан боғлиқ даромадлар билан бир даврда тан олиниши лозим. Бу тамойил молиявий натижаларни аниқ ҳисоблашда асосий механизм ҳисобланади. Узоқ муддатли активлар қиймати амортизация орқали босқичма-босқич харажатларга ўтказилади. Мувофиқлик тамойилининг қўлланиш заруриятини америкалик иқтисодчи олимлар “Мос келиш қондасини даромад келтиришга сабаб бўлган харажатлар олинган даромад қайси даврга тегишли бўлса, ўша даврга тегишли бўлади”, деб таъкидлаганлар. Профессор М.И. Кутернинг таъкидлашича, “Мазкур тамойилнинг қўлланилиши давр харажатларини ишлаб чиқариш таннархига тенглаштиришга имкон беради”[6].

Холислик тамойилига кўра, баҳолаш жараёни шахсий манфаатлардан мустақил бўлиши лозим. Ушбу тамойил ахборотнинг нейтраллигини таъминлайди ва манипуляцияларнинг олдини олади. Масалан, корхона раҳбарияти актив қийматини сунъий равишда ошириш орқали инвестиция жалб қилмоқчи бўлган ҳолатда: мустақил баҳоловчи экспертни жалб этади, ташқи аудит текшируви ўтказиш орқали холислик таъминланади. Америкалик олим, бухгалтерия илмига ҳисса қўшган Л.Хонгрэн “Баҳолаш жараёнида субъектив таъсирлар ва шахсий манфаатлар таъсир қилмаслиги керак. Холислик — ахборотнинг ишончилигини таъминлайди”[7], деб фикр юритган. Ушбу тамойил орқали мустақил баҳоловчи ва аудит орқали молиявий ҳисобот шаффофлиги таъминланади.

Мазмуннинг устуворлиги тамойилига кўра, операциянинг иқтисодий мазмуни унинг юридик шаклидан устун ҳисобланади. М. Беккер фикрича, “Иқтисодий мазмун юридик шаклдан устун туриши лозим. Актив кимга тегишли бўлса, у шу томоннинг балансида акс эттирилади, лизинг каби шартномаларда бу жуда муҳим”[8]. Мазмуннинг устуворлиги тамойили бухгалтерия ҳисоботида моддий (ҳуқуқий шакл) ва иқтисодий мазмун ўртасидаги фарқни инобатга олиб, ҳисоботда фақат ҳуқуқий шаклга эмас, балки операциянинг иқтисодий ва молиявий мазмунига асосан акс эттирилишини талаб қилади, яъни, бухгалтерияда кўрсатилган маълумотларнинг асосий мақсади – корхонанинг молиявий ҳолатини ва унинг фаолияти натижаларини ҳақиқий ва тўлиқ кўрсатиш. Шу боис, операцияларнинг ташкилий ёки ҳуқуқий шакли эмас, балки уларнинг иқтисодий натижаси ва моҳияти устувор бўлади. Шунингдек, IFRS 1.7 бобида: “Ҳисоботнинг асосий мақсади – фойдаланувчи учун ҳақиқий ва ишончли молиявий ахборот тақдим этиш; шу боис, операциянинг ҳуқуқий шакли эмас, иқтисодий мазмуни устувор бўлади”[9], деб алоҳида таъкидланган.

Узлуксизлик тамойили бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда қўлланиладиган баҳолаш усуллари ва ҳисоб сиёсати бир ҳисобот давридан иккинчисига изчил равишда қўлланилиши лозимлигини англатади. Ушбу тамойил молиявий ахборотнинг таққосланувчанлигини таъминлашда асосий омил ҳисобланади. Д.Александр ва А.Бриттон ўзларининг бухгалтерия тамойиллари бўйича тадқиқотларида: агар баҳолаш усуллари доимий равишда ўзгариб турса, молиявий ҳисобот фойдаланувчилари учун таҳлил қилиш имконияти чекланади, деб таъкидлайди[10]. Бизнинг фикримизча, узлуксизлик





ахборотнинг динамик таҳлилини таъминлайди, инвесторлар учун ишончлиликини оширади, ҳисоб сиеъатининг барқарорлигини кафолатлайди.

Моддийлик тамойилига кўра, молиявий ҳисоботда фақат фойдаланувчиларнинг иқтисодий қарорларига таъсир кўрсатадиган муҳим ахборот акс эттирилиши лозим. Р. Чемберс: “Бухгалтерия усуллари вақт ўтиши билан барқарор бўлиши керак, чунки бу ҳисоботда келтирилган маълумотларнинг яхлитлиги ва таққосланувчанлигини сақлаб қолиш учун зарур”[11], деб фикр юритса, К.Шипперс: узлуксизлик тамойили такомиллашишга тўсқинлик қилмаслиги лозим — агар ўзгаришлар ахборотнинг долзарблиги ва ишончлилигини оширсин, улар асосланган ҳисобланади”[12] деб, таъкидлайди. Фикримизча, узоқ муддатли активларни баҳолаш жараёнида моддийлик тамойили қийматдаги ўзгаришлар, қайта баҳолаш натижалари, амортизация фарқлари ҳамда қийматнинг пасайиши каби ҳолатларнинг молиявий ҳисоботга таъсир даражасини аниқлаш имконини беради. Бу эса молиявий ҳисоботнинг ортиқча деталлар билан мураккаблашиб кетишининг олдини олади ва фақат иқтисодий қарорларга таъсир кўрсатувчи ахборотларни акс эттиришга хизмат қилади.

Тадқиқот методологияси

Мазкур мақолада бухгалтерия амалиётидаги узоқ муддатли активларни баҳолаш тамойиллари таҳлилини амалга оширишда таққослама таҳлил, статистик таҳлил, қиёслаш, илмий абстракциялаш, анализ, синтез каби тадқиқот усуллари билан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон иқтисодиётида бозор муносабатларининг чуқурлашуви, инвестицион муҳитнинг ривожланиши ҳамда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МХХС) босқичма-босқич ўтиш жараёнлари узоқ муддатли активларни баҳолаш усуллари такомиллаштириш заруратини кучайтирмоқда. Диаграмма маълумотларига кўра, Ўзбекистонда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС)ни жорий этиш жараёни сўнгги йилларда жадал суръатларда ривожланмоқда. Таҳлил натижалари ушбу жараён босқичма-босқич ва тизимли равишда амалга оширилаётганини кўрсатади (1-расм).


2020 йилда МХХСни қўлловчи ташкилотлар сони тахминан 80 тани ташкил этган бўлиб, бу даврда халқаро стандартлар асосан банк тизими ва йирик корпоратив субъектларда қўлланилган. Мазкур йилда Ўзбекистонда МХХСга ўтиш бўйича норматив-ҳуқуқий база шакллантирилиб, халқаро ҳисоб тизимини жорий этишнинг институционал асослари яратилди. 2021 йилда эса кўрсаткич кескин ўсиб, 600 га ташкилотга етган. Бунинг асосий сабаби сифатида акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ҳамда йирик солиқ тўловчилар учун МХХСни мажбурий тартибда жорий этиш белгиланганини кўрсатиш мумкин. Натижада халқаро молиявий ҳисоботни тайёрлашга бўлган талаб кескин ортди. 2022–2023 йилларда МХХСни қўлловчи ташкилотлар сони мос равишда 1100 ва 1600 тага етган. Ушбу даврда иқтисодиётнинг турли тармоқларида трансформация жараёнлари фаоллашиб, халқаро аудит, активларни баҳолаш ва корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилди. Шу билан бирга, АССА, DiP IFR каби халқаро квалификацияга эга мутахассисларга эҳтиёж ортиб борди. 2024 йилда энг юқори ўсиш кузатилиб, МХХСни қўллаш мажбурий бўлган ташкилотлар сони 2632 тага етди. Бу эса мамлакатда халқаро стандартларга мос молиявий ҳисобот тизими кенг қўламда жорий этилаётганини англатади. Айниқса, кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун IFRS for SMEs асосида янги миллий стандартларнинг ишлаб чиқилиши мазкур жараённи янада жадаллаштирди.

2025–2026 йиллар учун прогноз кўрсаткичлари МХХСни жорий этувчи ташкилотлар сони 3000 тадан ошишини кўрсатмоқда. Бу эса Ўзбекистон иқтисодиётининг халқаро капитал бозорларига интеграциялашуви, инвестицион жозибадорликнинг ошиши ва молиявий ҳисоботлар шаффофлигининг кучайишига хизмат қилади.





Ўзбекистонда МХХС жорий этилиш динамикаси



1-расм. Ўзбекистон Республикасида МХХСнинг жорий этилиш динамикаси⁷

Миллий амалиётда узоқ муддатли активларни баҳолаш асосан бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари (БХМС) ва амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Узоқ муддатли активларни баҳолаш усуллариининг иқтисодий мазмуни ҳақиқий қийматини аниқлаш, молиявий ҳисоботда ишончли акс эттириш, амортизация ҳисобини юритиш, инвестицион жозибadorликни баҳолаш ва солиқ базасини шакллантириш каби вазифаларни бажаришга хизмат қилиши билан ифодаланади. Шу нуқтаи назардан, миллий амалиётни такомиллаштириш учун қуйидаги йўналишлар муҳим, деб ҳисоблаймиз:

МХХС асосида баҳолаш механизмларини ривожлантириш. Ўзбекистонда узоқ муддатли активларни баҳолаш тизимини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири — миллий ҳисоб тизимини МХХС талаблари билан уйғунлаштириш ҳисобланади. Миллий амалиётда эса узоқ муддатли активларни баҳолаш асосан тарихий қиймат концепциясига таянади. Бу эса инфляция ва бозор иқтисодиёти шароитида активларнинг ҳақиқий иқтисодий қийматини тўлиқ акс эттирмаслиги мумкин. Бироқ халқаро амалиётда ҳаққоний қиймат, қийматнинг пасайиши (impairment), дисконтланган қиймат ёндашувлар кенг қўлланилади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда узоқ муддатли активларни баҳолаш тизимини такомиллаштиришда “Асосий воситалар” номли 16-сон БҲХС миллий амалиётга тўлиқ интеграция қилиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади. 16-сон БҲХС асосий воситаларни тан олиш, баҳолаш, қайта баҳолаш, амортизация қилиш, ҳисобдан чиқариш жараёнларини халқаро талаблар асосида тартибга солади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, тарихий қиймат усули активларнинг жорий бозор қийматини, иқтисодий фойдалилик даражасини, инвестицион жозибadorлигини тўлиқ ифодаламайди. 16-сон БҲХС эса ҳаққоний қиймат концепциясини, қайта баҳолаш моделини, impairment механизмларини қўллаш орқали активларнинг ҳаққоний қийматини шакллантиришга хизмат қилади.

Рақамли баҳолаш платформаларини жорий этиш. Ҳозирги рақамли иқтисодиёт шароитида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот тизимини автоматлаштириш, ахборотларни қайта ишлаш тезлигини ошириш ҳамда инсон омили таъсирини камайтириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, узоқ муддатли активларни баҳолаш жараёнида рақамли технологиялардан фойдаланиш миллий бухгалтерия амалиётини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

⁷ Buxgalter.uz маълумотлари асосида тайёрланди.





Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, анъанавий баҳолаш жараёнларида субъективлик даражаси юқори, бозор маълумотларини йиғиш мураккаб, қайта баҳолаш жараёни кўп вақт талаб қилади, баҳолаш натижалари турлича шаклланиши мумкин. Шу сабабли, рақамли баҳолаш платформаларини жорий қилиш орқали баҳолаш жараёнларини автоматлаштириш ва унинг аниқлигини ошириш долзарб вазифага айланмоқда. Ушбу муаммонинг ечими сифатида миллий бухгалтерия амалиётида рақамли баҳолаш платформаларини жорий қилиш орқали активларни баҳолаш аниқлигини ошириш, молиявий ҳисоботнинг шаффофлигини таъминлаш, инсон омилини камайтириш, халқаро стандартларга интеграциялашувни тезлаштириш каби муҳим иқтисодий вазифаларни ҳал қилиш имконини беради, деб таъкидлаймиз.

Шу нуқтаи назардан, сунъий интеллект, Big Data ва blockchain технологиялари асосида рақамли баҳолаш платформаларини миллий амалиётга босқичма-босқич жорий қилиш узоқ муддатли активларни баҳолаш тизимини такомиллаштириш муҳим, ҳисобланади.

Мустақил баҳоловчилар институтини кучайтириш. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида узоқ муддатли активларни ҳаққоний баҳолаш молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини таъминлаш, инвестицион муҳитни яхшилаш ва халқаро капитал бозорларига интеграциялашувнинг муҳим шarti ҳисобланади. Ушбу жараёнда мустақил баҳоловчилар институти ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, миллий амалиётда баҳоловчилар фаолиятини ташкил этиш, уларнинг малакаси ва баҳолаш сифатини назорат қилиш тизими ҳозирча тўлиқ шаклланмаган. Бу эса активларни баҳолашда субъективлик, турли ёндашувлар ва ахборот ишончлилигининг пасайишига олиб келмоқда. Шу нуқтаи назардан, мустақил баҳоловчилар институтини кучайтириш бўйича қуйидаги илмий асосланган таклифларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Активлар бозори инфратузилмасини ривожлантириш. Узоқ муддатли активларнинг ҳаққоний қийматини аниқлашда ривожланган активлар бозори инфратузилмаси муҳим аҳамият касб этади. Чунки активларни баҳолашнинг замонавий ёндашувлари, айниқса ҳаққоний қиймат (fair value) концепцияси бозор маълумотларига бевосита боғлиқ ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида активлар бозори инфратузилмаси ҳозирча тўлиқ шаклланмаганлиги сабабли активларнинг бозор қийматини аниқлаш қийинлашмоқда, баҳолашда субъективлик юқори сақланиб қолмоқда, қайта баҳолаш жараёни самарадорлиги паст, инвестицион ахборот шаффофлиги чекланмоқда. Шу нуқтаи назардан, миллий иқтисодиётда активлар бозори инфратузилмасини ривожлантириш узоқ муддатли активларни баҳолаш тизимини такомиллаштиришнинг муҳим стратегик йўналиши ҳисобланади.

Интеграл баҳолаш моделларини амалиётга татбиқ қилиш. Ҳозирги иқтисодий муносабатлар шароитида узоқ муддатли активларни баҳолашда анъанавий усуллардан фойдаланиш ҳар доим ҳам активларнинг ҳақиқий иқтисодий қийматини тўлиқ акс эттирмайди. Чунки ҳар бир баҳолаш усули маълум бир иқтисодий омилга асосланади ва активнинг фақат муайян жиҳатини ифодалайди. Масалан, харажатлар ёндашувида сарфланган ресурсларни, бозор ёндашувида жорий бозор ҳолатини, даромад ёндашувида келгусидаги иқтисодий нафни акс эттиради. Шу сабабли, замонавий молиявий ҳисобот тизимида мазкур усулларни бирлаштирувчи интеграл баҳолаш моделларини қўллаш долзарб илмий ва амалий аҳамият касб этмоқда.

Хулоса

МХХС тизими активларни баҳолашда иқтисодий мазмунни ҳуқуқий шаклдан устун қўйиш, ҳаққоний қийматни аниқлаш ҳамда молиявий ахборотнинг шаффофлигини таъминлашга қаратилган замонавий ёндашувларни талаб этади. Шу нуқтаи назардан, МХХСнинг жорий этилиши узоқ муддатли активларни баҳолаш тамойилларининг





такмиллашуви билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. Аммо, миллий амалиётда қуйидаги чекланишлар мавжуд:

- активларнинг баланс қиймати ва бозор қиймати ўртасида катта фарқ мавжуд;
- инфляция таъсири етарли ҳисобга олинмайди;
- қайта баҳолаш жараёнида субъективлик юқори;
- инвестицион таҳлилда ягона баҳолаш механизми мавжуд эмас.

Интеграл баҳолаш моделларини миллий амалиётга жорий қилишда анъанавий баҳолаш усулларининг чекловларини бартараф этиш, активларнинг ҳаққоний иқтисодий қийматини аниқлаш, молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини ошириш, инвестицион қарорлар самарадорлигини кучайтириш каби муҳим иқтисодий вазифаларни ҳал қилиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Челпанов А.В. *Бухгалтерский учет: теория и практика*, Москва, 2015.
2. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. – Тошкент: “IQTISOD-MOLIYA”, 2018. – 145–149-бетлар.
3. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. – Тошкент: “Fan va texnologiya”, 2017. – 98–103-бетлар.
4. Бернстайн Л.А. Анализ финансовой отчетности: теория, практика и интерпретация: Пер. с англ. /Научн. ред. Перевода чл.-корр. РАН И.И. Елисеева. Гл. редактор серии проф. Я.В. Соколов. – М.: Финансы и статистика, 1996. - С.146-147
5. Ming P. *Corporate Finance and Going Concern*, London, 2012.
6. Кутер М.И. Теория и принципы бухгалтерского учета. Учебное пособие. - М.: Финансы и статистика, Экспертное бюро, 2000. - С.135
7. Horngren L. *Accounting*, 11th Edition, 2014.
8. Becker M. *Accounting Research Studies*, 2010.
9. <https://www.ifrs.org/>
10. Alexander, D., & Britton, A. (2004, 2011, 2020). *Financial Reporting*. Pearson Education.
11. Chambers, R. J. (1966). *Accounting, Evaluation and Economic Behavior*. Englewood Cliffs: Prentice-Hall.
12. Schipper, K. (2003). “Principles-Based Accounting Standards”. *Accounting Horizons*, 17(1), 61–72.

